

**АТ “АЛОҚАБАНК” ТОМОНИДАН КЎШИМЧА ЧИҚАРИЛГАН  
2017 ЙИЛНИНГ 11 ИЮЛИДА РО 021-23-РАҚАМ БИЛАН ДАВЛАТ  
РЎЙХАТИГА ОЛИНГАН АКЦИЯЛАР ЧИҚАРИЛИШИ ЭМИССИЯ  
РИСОЛАСИДАН ОШКОР ЭТИЛИШИ ЛОЗИМ БУЛГАН  
МАЪЛУМОТЛАР**

**Банкнинг тўлиқ ва қисқартирилган номи.**

Ўзбек тилида кирилл алифбосида: - Акциядорлик тижорат «Алоқабанк»;  
- АТ «Алоқабанк».  
- Aksiyadorlik tijorat «Aloqabank»;  
Ўзбек тилида лотин алифбосида: - АТ «Aloqabank».  
- Акционерно-коммерческий «Алоқабанк»;  
Рус тилида: - АК «Алоқабанк».  
- Joint-stock commercial «Aloqabank»;  
Инглиз тилида: - JSC «Aloqabank».

**Жойлашган жойи.**

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 4-уй.

**Тўлиқ почта манзили**

100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 4-уй.

**Банкнинг Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банкидаги вакиллик ҳисобварағи рақами.**

Ҳ/р: 10301000100000401001, банк коди 00401, АТ «Алоқабанк»нинг Амалиёт бошқармаси.

**Банк рўйхатдан ўтказилган сана ва  
рўйхат рақами (банк лицензиясининг рақами).**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1995 йил 22 мартда 48-рақам билан давлат рўйхатидан ўтган.

Банк ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2014 йил 4 августда берилган 48-сонли банк амалиётларини амалга ошириш лицензияси ҳамда 2014 йил 4 августда берилган 59-сонли чет эл валютасида банк операцияларини амалга ошириш лицензияси асосида олиб бормоқда.

**Банк солиқ органининг номи ва СТИР.**

Тошкент шаҳар Миробод тумани Давлат солиқ инспекцияси, СТИР:  
200829053.

## **Давлат статистика органи томонидан берилган кодлар.**

КТУТ хос рақами (ОКПО) – **15587940**;  
ИФУТ бўйича асосий фаолият тури (ОКЭД) – **64190**;  
МШТ бўйича мулкчилик шакли (КФС) – **144**;  
ТХШ бўйича ташкилий-ҳуқуқий шакли (КОПФ) – **153**;  
Манзили (МХОБТ бўйича тўлиқ хос рақами) (СОАТО) – **1726273**.

### **Асосий фаолият йўналиши ва ишлаб чиқариш (хизмат) турлари.**

**Асосий фаолият йўналиши** – Банк фаолияти.

#### **Банк хизмат турлари:**

- жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан вакил банкларнинг ҳисобварағларини очиш ва юритиш, ҳисобварақлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш;
- юридик ва жисмоний шахсларни маблағларини депозит ва омонатларга жалб этиш;
- қайтаришлилик, фоизлилик ва муддатлилик шарти билан ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобидан кредитлар бериш;
- мблағ эгаси ёки маблағни тасарруф этувчи билан тузилган шартномага биноан пул маблағларини бошқариш;
- чет эл валютасини нақд пул ва нақд бўлмаган пул шаклларида юридик ҳамда жисмоний шахслардан сотиб олиш ва уларга сотиш;
- пул маблағлари, векселлар, тўлов ва ҳисоб-китоб ҳужжатларини инкассо қилиш;
- учинчи шахслар номидан мажбуриятларнинг бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш,
- учинчи шахслардан мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олиш;
- қимматли қоғозлар чиқариш, харид қилиш, сотиш, ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш, мижоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш, қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси, инвестиция консультантчиси, инвестиция активларини бошқарувчиси сифатида иштирок этиш ва бошқа операцияларни амалга ошириш;
- банк фаолияти, ҳисоб-китобларни амалга ошириш, инвестиция фаолияти ва тижоратнинг бошқа соҳалари юзасидан маслаҳат ҳамда ахборот хизмати кўрсатиш;
- жисмоний ва юридик шахсларга ҳужжатлар ва бошқа бойликларни сақлаш учун махсус бинолар ёки улар ичидаги пўлат сандиқларни ижарага бериш;
- молиявий лизинг ва факторинг операцияларини амалга ошириш;
- инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш;
- жисмоний шахсларга истеъмол, ипотека ва бошқа турдаги кредитлар ажратиш;
- тадбиркорлик субъектларини кредитлаш, жумладан, микрокредит ва микролизинг хизматларини кўрсатиш;
- ҳалқаро банк амалиётига мувофиқ, лицензияда махсус кўрсатилган бошқа операциялар.

## **Банкда мустақил рейтинг баҳосининг.**

«Ahbor-Reyting» рейтинг агентлиги томонидан АТ «Алоқабанк»га 2017 йилнинг февраль ойида 2016 йилнинг IV чораги мониторинг натижаларига мувофиқ миллий шкала бўйича «uzA+» (Жуда юқори) кредитга лаёқатлилик рейтинги берилди. «uzA+» рейтинг кўрсаткичи банкнинг молиявий бозордаги актив фаолияти, тижорат тармоқларининг тез ўсиш суръати, капиталнинг адекватлиги, бир меъёрдаги ликвидлик позицияси ҳамда давлат томонидан қisman кўллаб-қувватланиши билан аҳамиятлидир.

2017 йилнинг февраль ойида «Moody's Investors Service» халқаро рейтинг компанияси томонидан АТ «Алоқабанк»га миллий валютадаги депозитлар бўйича B1/NP, хорижий валютадаги депозитлар бўйича B2/NP рейтинги кўрсаткичлари берилди. Барча рейтинглар бўйича прогноз «Барқарор» деб белгиланди.

### **Қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва қимматли қоғозлар эмиссия рисоласининг асл нусхаси ва нусхалари билан танишиш тартиби ва жойи тўғрисидаги ахборот.**

Акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва қимматли қоғозлар эмиссия рисоласининг асл нусхаси ва нусхалари билан Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темура шохкўчаси, 4-уйда жойлашган АТ «Алоқабанк»нинг Бош офисида танишиш мумкин.

Акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги хабар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ эмиссия рисоласидан ошкор этилиши лозим бўлган маълумотлар акциялар чиқарилуви давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўрнатилган муддатда Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Марказининг Корпоратив Ахборот ягона портали расмий веб-сайтида ([www.csm.gov.uz](http://www.csm.gov.uz)), «Тошкент» Республика фонд биржасининг расмий веб-сайтида ([www.uzse.uz](http://www.uzse.uz)) эълон қилинади, ҳамда АТ «Алоқабанк»нинг интернетдаги саҳифасига жойлаштирилади. Саҳифа манзили: [www.aloqabank.uz](http://www.aloqabank.uz).

«ТАСДИҚЛАНГАН»

Акциядорлик тижорат «Алоқабанк»  
Банк Кенгаши Раиси в.б.

Ш.Х. Шерматов

2017 йил «4» июль



«РЎХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН»  
Қимматли қоғозлар бозорини  
мувофиқлаштириш  
ва ривожлантириш Маркази  
Бош директори

Б.А. Атаханов

2017 йил «11» июль Розат 23-сон

М.У.



АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «АЛОҚАБАНК»

ҚЎШИМЧА АКЦИЯЛАР ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРИ

Идентификация рақами берилди: 

R	U	1	2	3	P	O	O	2	1	R	7
---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

Хужжатсиз шаклдаги эгасининг номи ёзилган оддий акциялар,  
номинал қиймати 121 сўм бўлган 180 246 220 дона

Акциялар очик обуна йўли билан жойлаштирилади.

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши йигирма учунчи чиқарилишдир.

АТ «Алоқабанк» Кенгаши мажлисининг 2017 йил 4 - июлдаги Қарори  
асосида тасдиқланган

АТ «Алоқабанк» Кенгаши мажлисининг 2017 йил 4 - июлдаги Қарори  
56 - сонли баённомаси асосида қабул қилинган

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили ва мулоқот телефонлари:  
100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 4-уй.  
Тел.: 232-83-67, 232-83-73.

АТ «Алоқабанк»  
Бошқарув Раиси:

М. Абдурахманов

Бош бухгалтер:

Х. Бўронов

2017 йил «4» июль



1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): **Оддий акциялар.**

2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: **Хужжатсиз шаклда.**

3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): **121 сўм.**

4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона) - **180 246 220** дона.

5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): **21 809 792 620** сўм.

6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:

- акциядорлар реестрига киритилиш ва ўзи ҳақида депо ҳисобварағидан кўчирма олиш;
- банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш ва уни эркин тасарруф этиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш орқали банкни бошқаришда иштирок этиш;
- банкнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишида ўз вакили орқали иштирок этиш, ўз вакилини исталган вақтда алмаштириш ёки унда шахсан иштирок этиш;
- банк тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мос равишда мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва банк Устави билан белгиланган бошқа ҳуқуқлар.

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг олиншига нисбатан жамият уставидagi ва(ёки) чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар: **Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг олиншига нисбатан акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорда чеклашлар мавжуд эмас.**

**Банк уставига мувофиқ ушбу чиқарилишдаги акцияларни олиншига нисбатан қуйидаги чеклашлар мавжуд: Ўзбекистон Республикаси норезидентлари, эллик фоиздан ортиқ акциялари (иштирокчилар бадаллари) Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг эгалигида, фойдаланувида ва(ёки) тасарруфида бўлган Ўзбекистон Республикаси резидентлари - юридик шахслари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки рухсати билан банк акцияларини сотиб олишлари мумкин. Оффшор зоналарда рўйхатга олинган норезидентлар банк акцияларини сотиб олишлари мумкин эмас.**

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): **117 442 920 771** (бир юз ўн етти миллиард тўрт юз қирқ икки миллион тўққиз юз йигирма минг етти юз етмиш бир) сўм.

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): **970 602 651** дона, шундан:

- ҳужжатсиз шаклдаги эгасининг номи ёзилган оддий акция – **952 602 651** дона;
- ҳужжатсиз шаклдаги эгасининг номи ёзилган имтиёзли акция – **18 000 000** дона.

10. Илгари жойлаштирилган корпоратив облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): **Банк томонидан**

хужжатсиз шаклдаги эгасининг номи ёзилган номинал қиймати 100 000 сўм бўлган 120 000 дона фоизли корпоратив облигациялар жойлаштирилган.

2010 йилнинг 22 июлида эгасининг номи ёзилган номинал қиймати 100 000 сўм бўлган 30 000 дона фоизли корпоратив облигациялар Р-0848-рақам билан давлат рўйхатига олинган. Ушбу облигациялар бугунги кунда сўндириш муддати келганлиги сабабли Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Марказининг 2015 йил 18 сентябрдаги 15-07/169-сонли қарорига асосан сўндирилган.

2011 йилнинг 4 ноябрида эгасининг номи ёзилган номинал қиймати 100 000 сўм бўлган 30 000 дона фоизли корпоратив облигациялар Р-0848-2-рақам билан давлат рўйхатига олинган. Ушбу облигациялар бугунги кунда сўндириш муддати келганлиги сабабли Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Марказининг 2016 йил 14 декабрдаги 15-07/055-сонли қарорига асосан сўндирилган.

2012 йилнинг 5 ноябрида эгасининг номи ёзилган номинал қиймати 100 000 сўм бўлган 30 000 дона фоизли корпоратив облигациялар Р-0848-3-рақам билан давлат рўйхатига олинган. Ушбу облигациялар бугунги кунда муомалада.

2013 йилнинг 26 июлида эгасининг номи ёзилган номинал қиймати 100 000 сўм бўлган 30 000 дона фоизли корпоратив облигациялар Р-0848-4-рақам билан давлат рўйхатига олинган. Ушбу облигациялар бугунги кунда сўндириш муддати келганлиги сабабли Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Марказининг 2016 йил 7 сентябрдаги 15-07/040-сонли қарорига асосан сўндирилган.

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна):

*(Ёпиқ обуна бўлган тақдирда, шунингдек акцияларни потенциал олувчилар доираси ҳам кўрсатилади).*

**Ушбу чиқарилишдаги акциялар очиқ обуна йўли билан жойлаштирилади.**

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:

*(Кўрсатилади: акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси ва тугатиш санаси ёки акцияларни жойлаштириш муддатини белгилаш тартиби).*

*Агар акцияларни жойлаштириш муддати акцияларнинг чиқарилиши тўғрисидаги бирон-бир ахборотни ошкор қилиш санасини кўрсатган ҳолда белгиланса, шунингдек бундай ахборотни ошкор қилиш тартиби ҳам кўрсатилади.*

**Ушбу чиқарилишдаги акциялар Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб бир йил давомида жойлаштирилади.**

Акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси – Мазкур акцияларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги хабар қонунчиликда белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган санадан кейинги ўн бешинчи кун. Агар акцияларни жойлаштиришнинг бошланиш санаси банк ҳисоб-китоб операциялари учун дам олиш кунига тўғри келса, бу ҳолда акцияларни жойлаштиришнинг бошланиш санаси ушбу кунлардан кейинги биринчи иш кунига кўчирилади.

Акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси – Акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 365 кун, агарда жойлаштириш муддати тугагунга қадар мазкур чиқарилишдаги акцияларнинг ҳаммаси жойлаштирилганда жойлаштиришни тугатиш санаси ушбу чиқарилишдаги охириги акцияни жойлаштириш санаси ҳисобланади.

### 11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

*(Кўрсатилади: акциялар жойлаштирилишининг боришида фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузилишининг тартиби ва шартлари, жойлаштириш амалга ошириладиган бозорлар.*

*Агар эмитент томонидан акцияларни жойлаштириш эмитентга акцияларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларини (андеррайтерлар) жалб қилиш билан амалга оширилса, ҳар бир бундай шахс юзасидан қўшимча равишда қуйидагилар кўрсатилади:*

*тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;*

*профессионал фаолиятни амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган;*

*ушбу шахснинг асосий вазифалари, агарда эмитент ва унга қимматли қоғозларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи шахс ўртасидаги шартномада шу каби шартнома билан белгиланган муддатларда жойлаштирилмаган акцияларни охиргиси томонидан ўз ҳисобидан олиниши назарда тутилган бўлса, шунингдек ушбу муддат ва уни белгилаш тартиби.).*

**Банк томонидан акциялар жойлаштирилиши амалдаги қонунчиликка мувофиқ «Тошкент» РФБда рўйхатдан ўтказилган олди-сотди шартномалари асосида амалга оширилади.**

**Акциялар «Тошкент» РФБда ўтказиладиган биржа савдолари орқали жойлаштирилади. Битимларни тузиш қимматли қоғозларнинг биржа бозорининг савдо қоидаларига мувофиқ амалга оширилади. Акциялар банк томонидан мустақил жойлаштирилади, андеррайтерлар жалб қилинмайди.**

11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:

**Акцияларни сақлаш қонунчиликда белгиланган тартибда Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан амалга оширилади. Ҳужжатсиз қимматли қоғозлар бўйича эгаллик ҳуқуқи ҳисобини юритиш, хизмат кўрсатувчи Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийсида вакиллик ҳисобварағини очган инвестиция воситачиси томонидан амалга оширилади. Реестрни шакллантириш марказий рўйхатдан ўтказувчи вазифасини бажарувчи Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси томонидан амалга оширилади.**

**Марказий депозитарий тўғрисида маълумот:**

**номи – Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси;**

**жойлашган жойи ва почта манзили – 100000, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй; телефон – 236-14-34; лицензия – мавжуд эмас;**

**ташкилий-ҳуқуқий шакли – Давлат унитар корхонаси.**

**Акцияларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширадиган инвестиция воситачи ҳақида маълумот:**

**номи – «Portfolio Investments» Масъулияти чекланган жамияти;**

**жойлашган жойи ва почта манзили – 100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй; телефон – 232-17-04;**

**лицензия – Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Маркази томонидан 2012 йил 21 ноябрда 1235-рақамли лицензия; Лицензиянинг амал қилиш муддати чекланмаган.**

**ташкилий-ҳуқуқий шакли – масъулияти чекланган жамият.**

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштириладиган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:

*(Жойлаштириладиган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилган тақдирда қуйидагилар кўрсатилади:*

*бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларнинг рўйхати тузилган сана (санани белгилаш тартиби);*

*жойлаштириладиган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш эҳтимоли тўғрисида билдириш тартиби;*

жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби.).

**АТ «Алоқабанк» акциядорларнинг 2017 йил 24 майдаги умумий йиғилиши қарорига асосан, банк акцияларини имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи кўлланилмайди.**

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:

*(акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.*

*Агар акцияларни жойлаштиришда акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилса, қўшимча равишда бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларга баҳо ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.)*

**Қўшимча чиқарилаётган акциялар бозор баҳосида, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган баҳода жойлаштирилади. Акцияларнинг бозор баҳоси амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ белгиланади.**

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:

*(Акцияларни тўлаш шартлари, тартиби, шу жумладан ҳисоб-китобларнинг шакли, кредит ташкилотларининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, уларнинг жойлашган жойи, акциялар тўланишига келиб тушадиган пул воситалари кўчирилиши лозим бўлган ҳисобварақларнинг банк реквизитлари, тўлов шохобчаларининг манзили (нақд пул шаклида тўланганда).*

*Акциялар пул бўлмаган воситалар билан тўланган тақдирда акциялар тўланиши мумкин бўлган мол-мулк, тўлов шартлари бундай тўлов шароитида расмийлаштириладиган ҳужжатлар (мол-мулкни қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва ҳоказо) билан, шунингдек бундай мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун жалб қилинадиган баҳоловчи (баҳоловчилар) тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:*

*баҳоловчининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;*

*баҳолаш фаолиятини амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва лицензиянинг амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган.)*

**Акциялар учун тўловлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси ҳамда эркин конвертация қилинадиган валюталарда ҳам амалга оширилади. Акцияларни жойлаштириш жараёнида акциялар учун тўловлар фақат пул маблағлари билан амалга оширилади. Тўловлар қимматли қоғозларнинг биржа бозорининг савдо қоидаларида белгиланган тартиб ва шартларда амалга оширилади. Банкнинг қўшимча акцияларига ушбу акцияларни жойлаштириш муддати ичида тўлиқ ҳақ тўланиши лозим.**

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби: **Акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб бир йил муддат давомида акциялар умумий сонининг 30 фоизлик улуши, яъни 54 073 866 донадан кам қисми жойлаштирилган тақдирда акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб тан олинади. АТ «Алоқабанк» томонидан ушбу ҳодиса тўғрисида расмий маълумот қонунчиликда белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади. Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган санадан бошлаб, акциялар учун тўланган маблағлар инвесторларнинг аризаларида кўрсатилган АТ «Алоқабанк»даги ёки бошқа банклардаги ҳисобварақларига 10 кун давомида тўлиқ ўтказиб берилади.**

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:

**Акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва қимматли қоғозлар эмиссия рисоласининг асл нусхаси ва нусхалари билан Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 4-уйда жойлашган АТ «Алоқабанк»нинг Бош офисида танишиш мумкин.**

**Акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги хабар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори**



тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ эмиссия рисоласидан ошкор этилиши лозим бўлган маълумотлар акциялар чиқарилуви давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўрнатилган муддатда Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Марказининг Корпоратив Ахборот ягона портали расмий веб-сайтида ([www.csm.gov.uz](http://www.csm.gov.uz)), «Тошкент» Республика фонд биржасининг расмий веб-сайтида ([www.uzse.uz](http://www.uzse.uz)) эълон қилинади, ҳамда АТ «Алоқабанк»нинг интернетдаги саҳифасига жойлаштирилади. Саҳифа манзили: [www.aloqabank.uz](http://www.aloqabank.uz).

13. Бошқа маълумотлар.

Банк рўйхатдан ўтказилган сана ва рўйхат рақами – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1995 йил 22 мартда 48-рақам билан Давлат рўйхатидан ўтган.

Банк ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2014 йил 4 августда берилган 48-сонли банк амалиётларини амалга ошириш лицензияси асосида олиб бормоқда.

13.1 Асосий фаолият йўналиши ва ишлаб чиқариш (хизмат) турлари - Банк фаолияти;

13.2. Банкнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли – **Акциядорлик жамияти;**

13.3. Давлат статистика органи томонидан берилган кодлар:

КТУТ хос рақами (ОКПО) – **15587940;**

ИФУТ бўйича асосий фаолият тури (ОКЭД) – **64190;**

МШТ бўйича мулкчилик шакли (КФС) – **144;**

ТХШ бўйича ташкилий-ҳуқуқий шакли (КОПФ) – **153;**

Манзили (МХОБТ бўйича тўлиқ хос рақами) (СОАТО) – **1726273.**

13.4. Банк солиқ органининг номи ва СТИР – **Тошкент шаҳар Миробод тумани Давлат Солиқ Инспекцияси, СТИР: 200829053.**